




Ona va bola salomatligi

Мамлакатимизда она ва бола саломатлиги, муҳофазаси, соғлом авлодни шакллантириш борисида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Республика ихтисослашган Акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббиёт маркази Наманган филиали фаолияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.



Янгича ёндашув

Ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, уларга имтиёзли кредит ажратиш, хотин-қизлар ва ёшларни соғломлаштириш тадбирлари жамоа шартномаларига киритилди. Шунингдек, дастурда ёрдамга муҳтож оилаларга чорва моллари ва паррандалар ажратилиб, касаначилик ҳаракати йўлга қўйилиши назарда тутилган.



Гавҳари дона-дона...

Хунарлининг иши ҳамيشа бароридан келади. Истиқлол йилларида аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган қадимий касб-корларни асраб-авайлаш, уни келгуси наслларга етказиш соҳасида дедилик қадамлар қўйилдики, у ўз ҳосилини бермоқда.



Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Инсонга хос барча фазилатларнинг энг муҳими ва олижаноби — ақл
Г. МАБЛИ

2008-йил 29-iyul № 90 (2503) seshanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

«Умид»нинг ойдин йўли



Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманида мустақиллик йилларида қад ростилаган муҳташам иншоотлар қаторида чорвачилик мажмуи ҳам эътиборни тортади. Худоберхон қишлоғидаги мустақиллик тенгдоши бўлган бу мўъжаз мажмуада дастлаб 40 бош қорамол боқилар эди. Бу ерда ташкил этилган «Умид» фермер хўжалиги бошлиғи Имомали Назаров бугун элга танилган фермерлардан бири ҳисобланади. Хозирда фермер хўжалиги тасарруфида 181 гектар умумий ер майдони бўлиб, хўжаликда 572 бош зотдор қорамол парвартирилмоқда. Уларнинг 200 бошдан зиёди соғин

Фермерлар мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида асосий кучга айланмоқда. Юртбошимиз ташаббусли ва раҳнамолигида кейинги йилларда мулкдорларимизнинг бу янги қатлами тобора кенгроқ қулоч ёймоқда. Соҳада олиб борилаётган кенг камровли ислохотларнинг асосий ҳал қилувчи омили сифатида яққол намоён бўлмоқда.

сигирлардир. Хозирда ҳар бир бош сигирдан ўртача 18-20 литрдан сут соғиб олинишида Тошкентда ташкил этилган «Ўзэкспомарказ» кўرғазмасида лизинг асосида Германияда ишлаб чиқарилган 3 та замонавий сут соғиш аппарати, битта музлаткичли автомашина сотиб олинган жуда кўл келмоқда. Фермер хўжалиги қошида Исроил технологияси асосида бир кунда 2 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган кичик завод ишга туширилган эди. Айни кунларда бу ерда йогурт, қаймоқ, сметана, қатиқ, пишлоқ каби 8 турдаги сут маҳсулотлари бозорга

чиқарилмоқда. Фермер хўжалигида 150 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланган. Бу ерда 30 дан ортиқ русумдаги техникаларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш учун устакана ишлаб турибди. Бундан ташқари, дам олиш хоналари, спорт зали, бепул иссиқ овқат ва шу каби бошқа қулайликлардан фермер хўжалиги аъзолари мамнун. **Суратларда:** Ишчи Мойила Ашурматова; хўжалик раҳбари И. Назаров ва соғувчи Гулшаной Жўраева билан янги сут соғиш аппарати кўздан кечирмоқда. **Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)** олган суратлар



2008 йил — Ёшлар йили Танлов ғолиблари мамлакат босқичига йўланма олди

Қорақалпоғистон Республикасида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, навиқрон авлод вакилларининг фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли, ташаббускор йилги-қизларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бориси мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда «Микрокредитбанк» давлат акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёш тадбиркор» элга мададкор» кўрик-танлови бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Танловнинг Қорақалпоғистон босқичида 28 нафар ёш

тадбиркор ўз бизнес-режаси, таклиф ва тавсиялари билан иштирок этди. Малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари тақдим этилган ишларни атрофлича ўрганиб чиқди. Ҳар томонлама асосли бизнес-режага эга бўлган тўрт нафар ёш тадбиркор танловнинг мамлакат босқичига йўлан-



Наманган вилояти

Текис йўлда елдек учиб бораётган «Нексия» киши завқини оширади. Ҳамроҳимизнинг ҳайрат билан «бундан бир неча йиллар олдин кимдир тоғ орасида замонавий йўллар қурилади деса, ёлғончиға чиқарардим» деган гапи эътиборимизни тортди. Нега деган саволнинг тугилиши табиий эди. «Йўлнинг торлигидан машиналар тирбандлашиб қолар, ноқулай шароитда ҳафталаб дошда қолиб кетардик. Агар бирор юк машинасининг ортига тўшиб қолсангиз борми? Йўл азобининг қандай бўлишини ана ўшанда биласиз...» Дарҳақиқат, Фаргона водийсини мамлакатимизнинг бошқа нуқталари билан боғлаб турувчи йўлнинг барпо этилиши мустақиллик берган чексиз имконлардан бири бўлди.

қилмоқда. Маҳсулотларимизни Олмалик кон-металлургия комбинати, Бекобод цемент заводи, Ўзбекистон энергетика тизими тармоқларидан ташқари МДХ давлатлариға экспорт қиламиз. Корхонамизда фидокорона меҳнатчилари билан эл-юрт хурматиға сазовор бўлган кишилар кўп. Ишчи-хизматчиларнинг фидокорона меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилган. Узоқдан қатнай-диганлар учун автобус ажратилган. Ошхонамиз икки сменада ишлайди. Мазмурият ва касбабо уюшма кўмитаси жамоа аъзоларининг

Экофестивал Табиат муҳофазаси йўлида...

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Ёшлар йилига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваллар маррафини ташкил этмоқда. Мақсад — мустақиллик йилларида табиати муҳофазаси қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борисида мамлакатимизда амалга оширилган ишларни тарғиб қилишдан иборат. Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳар «Цементчи» ўйингоҳида илк экофестивал бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан вакиллар иштирок этди. Тадбирда «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов, Оҳангарон шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннопов, шоир Маҳмуд Тоировлар сўзга чиқди. Бундан ташқари, «Энг обод маҳалла», «Она ер ёшлар қўлида», «Энг намунали фермер», «Экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчи хунараманд» каби йўналишлар бўйича танлов ғолиблариға диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Хония АСИЛБЕКОВА, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти матбуот хизмати раҳбари

«Ishonch»га жавоб берадилар «Кимга фойда, кимга зиён?»

Мақолада баён этилган мумаммо Республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитасида ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан юртимиз худудиди ўсувчи «Сарғиш лол» ва «Туркистон лоласи» камбўлик даражасига кўра Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Кўмитанинг Давлат биназорати органи томони-

дан ўрнатилган тартибда қатъий назорат ташкил этилган бўлиб, ноқонуний ов ва балиқ ови, ўсимликлар терийш ва йиғиш соҳасида қўшма тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хукукбузарларға нисбатан тегишли маъмурий, зарур ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш чоралари қўлланилган. Мақолада келтирилган сал-

бий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қўрилиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилмоқда.

Р. ХАБИРОВА, Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи

Истиқлол руҳидан куч олган замин



меҳнат таътилини кўнгилли ўтказиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Наманганда айни пишиқчилик пайти. Олдинлари Янгиқўрғон, Қосонсой, Тўрақўрғон, Наманган каби туманларнинг боғларида етиштирилган мевалар тўғридан-тўғри вагонларга юкланиб сувтекиниға сотиб юборилган бўлса, истиқлол йилларида вилоят боғбонлари ҳисобларини топиб олишди. Эндиликда меваларнинг аксарияти вилоятдаги корхоналарда қайта ишланмоқда ва бундан катта даромад кўриляпти. Агрисаноат ривожини бўйича ишлар ҳам чакки эмас. Пахта етиштириш режаси муваффақиятли бажарилишидан ташқари тармоқнинг бошқа соҳалариға ҳам дуруст натижалар кўлга киритилмоқда. Чунончи, ўтган йили фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан 103,6 минг тонна қартошка, 334,7 минг тонна сабзавот, 163 минг тонна мева, 65,7 тонна гўшт, 314,3 минг тонна сут ишлаб чиқарилди. Умумий натижа олдинги йилдагиға нисбатан 128,7 минг тонна кўп.

Вилоятда катта қувват билан ишлаётган корхоналар нафақат иқтисодий кўрсаткичларнинг юксалишида, ёшларни иш билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Поп туманидаги «Пол Фен», Янгиқўрғондаги «Марвел Жус Ко», Чустдаги «Голден Фрут», Наманган шаҳридаги «Хелил силк ЛТД» каби қўшма корхоналар жаҳон андозалариға мос маҳсулот ишлаб чиқаришға эришмоқда. — Корхонамизда кимё, табиий газ, энергетика ва нефт саноати учун зарур жиҳозлар ишлаб чиқарилади, — дейди «Наманган-маш» ОАЖ касбабо уюшмаси кўмитаси раиси Ҳимойиддин Мўминов. — Бугунги кунда бу ерда 400 дан ортиқ киши меҳнат

(Давоми 3-бетда).

